


# САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ



Сайёр қабулни ташкил этишдан асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, бузилган ҳуқуқларини судлар орқали ҳимоя қилишдан иборат. Мазкур сайёр қабулда туманнинг 34 нафар фуқаролари иштирок этишди. Ушбу фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг 21 таси шу ернинг ўзида ҳал этилди, қолган мурожаатлар юзасидан фуқароларга тегишли тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.